



2017 у.г. 23 феврал

№ 286 - Қ

Ziyovuddin sh., – пгт. Зиёвуддин

**Туманда тракторлар, ўзи юрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш
машиналари ва трактор тиркамаларини мажбурий техник кўриқдан
ўтказиш хақида**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2013 йил 02 апрелдаги 58-сонли буйруғи (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда), Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 06 декабрдаги 345-сонли қарори билан тасдиқланган “Бошдавтехназорат” инспекциясининг Низомига асосан ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Машина ва асобоб-ускуналарни техник ҳолатини назорат қилиш бўйича Давлат бош инспекцияси”нинг 2017 йил 9 январдаги 01-сонли буйруғини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳудудида жойлашган барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган тракторлар, ўзи юрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш машиналари ва трактор тиркамалар мажбурий техник кўриқдан ўтказилсин.

2. Мажбурий техник кўриқдан ўтказиш бўйича туман комиссиясининг таркиби 1-иловага, техник кўриқдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман “Давтехназорат” инспекцияси (С.Хўжанов)га:

мажбурий техник кўриқдан ўтказиладиган трактор, тиркама, ўзи юрар шассилар, мелиоратив, йўл-қурилиш машиналари техник паспортлари, назорат техник талонлари, давлат рақам белгилари ҳақиқатда мавжудлигини кўриб чиқиш ва аниқланган камчиликлар бўйича уларни бартараф этиш чораларини кўриш:

Машиналар сонини, уларнинг ҳолатини, амалдаги мавжудлигини, тегишлилигини ва бошқа рўйхатдан ўтказиш маълумотларини аниқлаштириш;

Ўтказиладиган мажбурий техник кўриқ учун тушадиган тушумларини тумандаги юридик ва жисмоний шахслардан ундириш чораларини кўриш юклатилсин.

4. Ушбу қарорининг ижросини назорат қилиш ҳокимининг ўринбосари Н.Эшдавлатов зиммасига юклатилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими

К.Қурбанов

**Тумандаги тракторлар, ўзиюрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш
машиналари ва трактор тикамаларини 2017 йил йиллик даврий
мажбурий техник кўриқдан ўтказиш комиссияси
ТАРКИБИ**

- | | |
|-----------------|---|
| 1.Хўжанов С. | -Давлат техника назорати иниспекцияси инспектори, комиссия раиси. |
| 2.Собиров Н. | -туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари, комиссия котиби. Комиссия аъзолари: |
| 3.РўзиқуловН. | -“Пахтачаагротехсервис” МЧЖ раиси. |
| 4. Санақулов Қ. | -туман МТП ДАЖ ходими. |
| 5. Абсанов Ғ. | -туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходими. |

**Тумандаги тракторлар, ўзиюар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш
машиналари ва трактор тикамаларини 2017 йил йиллик даврий
мажбурий техник кўриқдан ўтказиш
Г Р А Ф И Г И**

| Т/Р | Корхона, ташкилот, ММТП, фермер хўжалиқлар номи. | Техник кўриқдан ўтказиш санаси | Техник кўриқ ўтказиш вақти. |
|-----|--|-----------------------------------|--------------------------------|
| 1 | Нодим-Зиёвуддин ММТП | 10.02.2017-й. | 10-00 |
| 2 | Султонобод Пахтакор ММТП | 11.02.2017-й. | 10-00 |
| 3 | Ш.Қаххаров шогирдлари ММТП | 12.02.2017-й. | 14-00 |
| 4 | Оқтепа маъшали ММТП | 12.02.2017-й. | 10-00 |
| 5 | Обод Дехқанобод ММТП | 15.02.2017-й. | 14-00 |
| 6 | Бархаёт Қ.Ражабов ММТП | 15.02.2017-й. | 10-00 |
| 7 | А.Аллаяров олтин далалари ММТП | 16.02.2017-й. | 10-00 |
| 8 | Тош Кенжа таъмирчи ММТП | 16.02.2017-й. | 14-00 |
| 9 | Янги Диёр ЖУТ ММТП | 17.02.2017-й. | 10-00 |
| 10 | Ш.Назаров шогирдлари ММТП | 18.02.2017-й. | 10-00 |
| 11 | Р.махманов Қурбонович ММТП | 19.02.2017-й. | 10-00 |
| 12 | Наврўз Пўлатчи ММТП | 19.02.2017-й. | 14-00 |
| 13 | Зиёдинн Санақул ММТП | 20.02.2017-й. | 10-00 |
| 14 | Қарнабота ширкат хўжалиғи | 22.02.2017-й. | 10-00 |
| 15 | “пахтачиагротехсервич” МЧЖ | 23.02.2017-й. | 10-00 |
| 16 | МТП-ДАЖ | 23.02.2017-й. | 14-00 |
| 17 | “Кимёхимоя” АЖ туман филиали | 24.02.2017-й. | 10-00 |
| 18 | Фермер хўжалиқлари | 25.02.2017-й. 27.02.2017-й. | 10-00 |
| 19 | Ишлаб чиқаришкорхоналари | 28.02.2017-й. 01.03.2017-й. | 10-00 |
| 20 | Бошқа корхоналар | 02.03.2017-й. 04.03.2017-й. | 10-00 |
| 21 | Шахсийтехникалари ва хусусий корхоналар | 04.03.2017-й. 10.03.2017-й. | 10-00 |